



Ислом Нури

Мусулмон биродар! Билингки, суннати ротибалар (яъни, фарз намозлардан олдин ёки кейин ўқилувчи суннат намозлар) суннати муақкада саналади ва уларни тарк қилиш макруҳдир. Айрим дин имомлари фикрига кўра, уларни давомий равишда тарк қилувчи кишининг адолати соқит бўлади (яъни гувоҳлиги ўтмай қолади) ва бу билан гуноҳкор бўлади. Чунки, уларни давомий тарк қилиши унинг дини сустлигига ва динига бепарволигига далолат қилади.

Суннати ротибалар ҳаммаси бўлиб ўн (ёки ўн икки) ракъат бўлиб, улар қуйидагилар:

- Пешиндан олдин икки ракъат, бир жамоат уламолар фикрича, пешиндан олдин тўрт ракъат, шунга кўра суннати ротибалар жами ўн икки ракъат бўлади.
- Пешиндан кейин икки ракъат.
- Шомдан кейин икки ракъат.
- Хуфтондан кейин икки ракъат.
- Тонг отгач, бамдод намозидан олдин икки ракъат.

Ушбу суннати ротибаларнинг мазкур тафсилотига далил қуйидаги ҳадислардир:

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўн ракъат (нафл намози)ни ёдда сақлаб қолганман: пешиндан аввал икки ракъат, пешиндан кейин икки ракъат, шомдан кейин уйларида икки ракъат, хуфтондан кейин ҳам икки ракъат уйларида ва бамдоддан аввал икки ракъат. Бу Пайғамбар



Ислом Нури

соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига ҳеч кирилмайдиган пайт бўлган. Ҳафса менга айтиб бердики, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам муаззин азон айтгач ва тонг отгач, икки рақъат ўқир эканлар» (Бухорий (1180), Муслим (729) ривоятлари).

«Саҳиҳ Муслим»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешиндан аввал менинг уйимда тўрт рақъат ўқирдилар, кейин чиқиб, одамларга имом бўлиб намоз ўқирдилар, кейин уйимга қайтиб, икки рақъат ўқирдилар» (Саҳиҳ Муслим: 730), Бухорий (1182) мухтасар шаклда ривоят қилган).

Ушбу ҳадислардан суннати ротибаларни уйда ўқиш масжидда ўқигандан афзал экани олинади. Бунинг ортидан келувчи бир қанча фойдалари бор. Жумладан:

- Риёдан узоқлашиш ва амални одамлар кўзидан яшириш;
- Бундай қилиш хушув ва хузуънинг тўла бўлишига сабаб бўлиши;
- Уйни ҳам Аллоҳнинг зикри ва намоз билан обод қилиш ва бунинг натижасида хонадон аҳлига раҳмат ёғилиши ва шайтондан узоқлашишлари. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Уйларингизда ҳам намоз ўқинглар ва уларни қабристон қилиб олманглар!»**, деганлар (Бухорий (432), Муслим (777) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоятлари).

Ушбу суннати ротибаларнинг энг таъкидироғи бамдоддан олдинги икки рақъат намоздир. Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам нафлардан бирортасига бамдоднинг икки рақъатига аҳамият берганларича аҳамият бермасдилар»



Ислом Нури

(Бухорий (1163), Муслим (724) ривоятлари). Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Бамдоднинг икки ракъат (суннат)и дунё ва ундаги барча нарсадан яхшироқдир»**, деганлар (Имом Муслим (725) ривояти). Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам ушбу икки ракъатни ва витр намозини муқимликда ҳам, сафарда ҳам қўймай ўқирдилар.

Аммо, бамдоднинг икки ракъати ва витрдан бошқа суннати ротибаларни Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам сафарда ўқиганлари нақл қилинмаган.

Ибн Умар розияллоху анҳумодан сафарда пешиннинг суннатини ўқиш ҳақида сўралганда: «Агар нафл ўқийдиган бўлсам, (намозни қаср қилмай) тўла ўқийверардим», деганлар (Бухорий (1101-1102), Муслим (689) ривоятлари).

Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламнинг сафарда тутган йўллари фарз намозга чекланиш эди, у зот соллаллоху алайҳи ва салламдан фарз намоздан олдин ҳам, кейин ҳам суннат намозлари ўқиганлари ривоят қилинмаган, фақат витр ва бамдоднинг икки ракъатини ўқиганлар» (Зодул-маъод: 1/473).

Бамдоднинг икки ракъатини қисқа ўқиш суннатдир. Чунки, «Саҳиҳайн»да ва бошқаларда Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинишича, Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам бамдод намозидан олдинги икки ракъатни енгил ўқирдилар (Бухорий (994), Муслим (724) ривоятлари).

Бамдод суннатининг биринчи ракъатида «Фотиҳа»дан кейин



Ислом Нури

Витрни қазосини ўқиганда жуфт қилиб ўқийди. Чунки, «Саҳиҳ»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни уйқу ёки оғриқ тунги намоздан ман қилган бўлса, кундузи ўн икки ракъат ўқиб қўядилар» (Саҳиҳ Муслим: 746).

Мусулмон биродар! Ушбу суннати ротибаларни муҳофаза қилинг. Чунки, бу билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш ҳосил бўлади. Зотан, Аллоҳ таоло: «(Эй мўминлар), **сизлар учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбари** (иймон-эътиқоди ва хулқи атвори)**да гўзал ибрат бордир**» (Аҳзоб: 21), деган.

Ундан ташқари, ушбу суннати ротибаларни адо этиш билан фарз намозларида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни ямаш-тузатиш ҳосил бўлади. Инсон камчилик ва нуқсондан холи эмас, у доим ўз нуқсонини тўлдирадиган нарсага муҳтож. Шундай экан, мусулмон биродар, бу суннати ротибаларга бепарво бўлманг. Буларни сиз Парвардигорингиз ҳузурига борганингизда зиёда хайр-яхшиликлар қаторида топасиз. Шунингдек, намоздан бошқа рўза, закот, ҳаж каби фарз ибодатларнинг ҳар бири ёнида ҳам унинг жинсидан бўлган нафл ибодат ҳам машруъ қилинганки, ушбу нафллар билан фарзда йўл қўйилган нуқсонлар ўрни тўлдирилади. Бу Аллоҳ таолонинг бандаларига бўлган жуда катта фазлу марҳаматидандир.

Аллоҳ таолодан барчаларимизни Ўзи яхши кўрадиган ва рози бўладиган ишларга муваффақ қилишини сўраймиз, У эшитувчи ва ижобат қилувчи Зотдир.